

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

Фарғона,  
2021.

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

<b>А.Ўринов, Д.Усмонов</b> Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун Коши-Гурса масаласи .....	6
<b>А.Ғойипов</b> Бир номаълумли модулли тенгламаларни ечишнинг бир усули ҳақида .....	18

КИМЁ

<b>Х.Юлдашев, Ю.Мансуров</b> Автомобиль чиқинди газларини каталитик тозалаш .....	25
<b>Ғ.Мадраҳимов, М.Ҳожиматов, И.Асқаров</b> 1-(2-карбокисфенил)-1'-п-метил оксиферроценил тиюамид синтези ва унинг биостимуляторлик хоссалари .....	31
<b>Ш.Каримов, Н.Хабибуллаева, А.Хаитбаев</b> <i>Leptinotarsa decemlineata</i> (Say) таркибидан хитозан ажратиб олиш .....	36
<b>И.Асқаров, Ф.Абдугаппаров, М.Хожиматов</b> Амигдалиннинг кимёвий хоссалари ва инсон саломатлигига таъсири .....	42
<b>А.Йўлчиев, К.Джамолов, И.Асқаров, М.Мўминов</b> Мувозанатлаштирилган гранулаланган омихта ем таркибини бойитиш .....	49
<b>Х.Исмоилов, О.Саримсоқов, С.Хайдаров</b> Пахта пневмотранспорти учун материал ўтказгич конструкциясини ишлаб чиқиш .....	53
<b>У.Мараимова, И.Жалолов, Г.Бегматова, С.Арипова</b> Ўзбекистонда ўсадиган <i>goetmeria hybrida</i> даги кимёвий элементларнинг микдорий таркибини аниқлаш .....	57

Ижтимоий-гуманитар фанлар

<b>Г.Халматжанова, А.Ғофуров</b> Кластер тизими ривожда сув ресурслари салоҳиятини ошириш .....	62
--	----

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

<b>И.Сиддиқов</b> Ўрта асрлар ислом гносеологияси ва теологиясининг ўзаро синтезлашуви .....	68
---	----

ТАРИХ

<b>М.Исамиддинов</b> Қадимги Марғиёна ва Бақтрия ҳудудидаги яз-II археологик комплексларини даврлаштириш масалалари .....	75
<b>И.Мамадалиев, Тим Брэгер</b> Ўрта Осиё Россия империяси таркибида .....	79
<b>Р.Арслонзода</b> Ўзбекистонда мактаб тарих таълими тизимининг шаклланиши .....	85
<b>А.Йўлдашев</b> XX асрнинг 20-йилларида европада таълим олган ўзбек қизи .....	90
<b>Д.Абдуллаев</b> XX асрда Ўзбекистон аҳолиси тақдирланишининг архив манбаларида акс эттирилиши .....	95
<b>Н.Рахматова</b> Мустақил Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришда каштачилик ва касаначиликнинг ўрни .....	102

ТАРИХ

УДК: 9509(575.1)

## XX АСРДА ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИ ТАҚДИРЛАНИШНИНГ АРХИВ МАНБАЛАРИДА АКС ЭТТИРИЛИШИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

## ОТРАЖЕНИЕ В АРХИВНЫХ ИСТОЧНИКАХ НАГРАЖДЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА В XX ВЕКЕ (НА ПРИМЕРЕ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ)

## REFLECTION IN ARCHIVAL SOURCES OF AWARDS OF THE POPULATION OF UZBEKISTAN IN THE XX CENTURY (ON THE EXAMPLE OF THE FERGHANA REGION)

Абдуллаев Диёржон Нодиржон ўғли<sup>1</sup><sup>1</sup>Абдуллаев Диёржон Нодиржон ўғли*– Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети докторанти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).***Аннотация***Мақолада XX асрда Ўзбекистондаги мукофотлаш тизими тарихи Фарғона вилояти мисолида ёритилган. Хусусан, Фарғона вилояти Давлат архиви ҳужжатлари асосида вилоятдаги ҳар бир касб эгаларининг босқичма-босқич тақдирланиш жараёни ўз аксини топган. Шунингдек, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда водий аҳолисининг юбилей сифатида таъсис этилган мукофотлар, турли даражадаги орден ва медаллар билан тақдирланиши қиёсий таҳлил этилган.***Аннотация***В статье на примере Ферганской области отражена история системы награждения в Узбекистане в XX веке. В частности, на основе документов Государственного архива Ферганской области отражен процесс присвоения представителям каждой профессии в регионе. Также проведен сравнительный анализ награждения жителей долины орденами и медалями различных степеней, учрежденных в качестве юбилейных в годы, последовавшие за Второй мировой войной.***Annotation***In this article, the history of the reward system in Uzbekistan in the 20th century is reflected on the example of Fergana region. In particular, on the basis of the documents of the State Archive of the Fergana region, the process of gradual awarding of each profession in the region is reflected. Also, in the years after the Second World War, a comparative analysis of the awarding of the inhabitants of the valley with awards established as an anniversary, orders and medals of varying degrees was carried out.****Таянч сўз ва иборалар:** мукофот, Фарғона вилоят давлат архиви, Ўзбекистон ССР, Олий Совет Президиуми, орден, медаль, фахрий унвон, фонд, юбилей медаллари.****Ключевые слова и выражения:** награда, Ферганский областной Государственный архив, Узбекская ССР, Президиум Верховного Совета, ордена, медали, почетные звания, фонд, юбилейные медали.****Key words and expressions:** award, State Archive of Fergana region, USSR of Uzbekistan, Supreme Soviet Presidium, Orden, medal, honorary title, fund, anniversary of the medal.*

Совет давлати ҳукмронлик қилган йилларда (1917-1991) таъсис этилган мукофот белгилари ҳамда тақдирлаш тизими мазкур даврнинг мафкураси, ижтимоий ҳаёти, анъаналарининг қандай ҳолатда кечганлигидан далолат беради. Совет ҳукумати даври мобайнида 21 та орден ва 54 та медаль белгилари, 4 та олий даражали ҳамда 15 та фахрли унвонлар таъсис этилган. Ушбу даврнинг мукофотлаш тизими биринчи навбатда Совет Иттифоқи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларида белгиланиб, давлат мафкурасининг муҳим қисмига айланган. Совет давлати Конституциясининг 121-моддасида СССР орден ва медалларини таъсис этиш ҳамда уларни

тақдим этиш ҳуқуқи СССР Олий Совети Президиумига топширилган. Унга кўра, ҳар бир орденнинг ўз даражаси, медалнинг эса Низоми ишлаб чиқилган ва таъсис этилган. Ушбу ҳужжатларда мукофотнинг берилиш мазмун-моҳияти, тақдирлаш, тақиб юриш тартиби, имтиёзлари ва бошқа ҳуқуқий жиҳатлари акс этган. Давлат мукофотлари билан Совет Иттифоқи фуқаролари, ташкилотлар, шаҳар, вилоят, республикалар, шунингдек, Иттифоқ фуқароси бўлмаган шахслар тақдирланган[1,30].лар.

Мавзуни тадқиқ этишда Фарғона вилоят Давлат архивида сақланаётган:

1124 фонд - Ишчи депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши ижроия комитети. Халқ депутатлари кенгаши;

8 фонд - Ишчи деҳқонлар ва қизил армия депутатлари Фарғона шаҳар Кенгаши ижроия Комитети. Халқ депутатлари кенгаши;

731 фонд - Ўзбекистон ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти Фарғона вилоят Кенгаши номлари билан аталган ҳужжатлардан фойдаланилди. Улар таркибидаги қуйидаги йиғма жилдлар таҳлил қилиниб, ўрганилмаган янги маълумотлар илмий муомалага киритилди ва далилланди:

*Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги раҳбарларига СССР Олий Совети Президиумининг ордени ва медалларини бериш тўғрисидаги Фармонлари (1984); СССР Олий Совети Президиуми Фарғона вилоятининг барча тармоқлари раҳбарлари ва ишчиларига СССР ордени ва медалларини бериш тўғрисидаги Фармонлари (1960-1970); ЎзССР Олий Совети Президиуми СССР медалларини бериш тўғрисидаги Фармонлари (1959-1964); Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Фарғона вилояти барча тармоқлари ходимларига фахрий ёрлиқ бериш тўғрисидаги Фармонлари (1960-1970); СССР Олий Советининг ордени ва медалларини рўйхатга олиш китоби (1950-1951); “Меҳнат фахрийси” медалларини бериш тўғрисида ижроия қўмита Қарори (1968-1970, 1984, 1988); “1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 30 йиллиги” медалини олганлар рўйхати (1975-1977); “Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 40 йиллиги” юбилей медаллари билан тақдирлаш тўғрисидаги ҳужжатлар (1985-1987); Фарғона вилояти туманларида 1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида “Шавкатли меҳнати учун” медаллари билан мукофотлаш тўғрисида далолатнома (1945-1946).*

СССР Олий Совети Президиуми Фармон ва Қарорлари билан иттифоқдош республикалар, жумладан, Ўзбекистон ССРда ҳам сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий жабҳаларда мукофотлаш тадбирлари ўтказилган. Айнан, Совет йилларида Ўзбекистон ССР мукофотлаш тизимини ўрганишда СССР давлат мукофот белгилари, фахрий ёрлиқларининг ўрни беқиёс эканлигини таъкидлаш зарур.

Совет йилларида Ўзбекистон ССР барча ҳудуди (Андижон, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон АССР)да мукофотлаш тизими кенг йўлга қўйилган бўлиб, у СССР ҳамда ЎзССР Олий Совети Президиуми Фармони ва Қарорлари билан амалга оширилган. СССР ҳудудида таъсис этилган қуйидаги давлат мукофот белгилари Ўзбекистон ССР ҳудудида ҳам кенг ёйилиб, улар билан тақдирлаш тадбирлари ҳар йилнинг ҳар ойида мунтазам амалга оширилиб турилган:

“Ленин”, “Қизил Байроқ” (Красного Знамени), I ва II даражали “Ватан уруши” (Отечественной войны 1, 2 степени), “Меҳнат Қизил Байроқ” (Трудового Красного Знамени), “Қизил Юлдуз” (Красной Звезды), “Ҳурмат белгиси” (Знак почёта), “Қаҳрамон она” (Мать-героиня) ҳамда “Оналик шуҳрати”(Материнская слава) - *каби ордени белгилари.*

“Ўроқ ва болға” (Серп и молот), “Жасурлик кўрсатгани учун” (За отвагу), “Жанговар хизматлари учун” (За боевые заслуги), “Шавкатли меҳнати учун” (За трудовую доблесть), “Меҳнатда ўрнатилган кўрсатгани учун” (За трудовое отличие) ҳамда “Оналик медали” (Медаль материнства) номлари билан аталган медал белгилари.

Мукофотланганларни тасдиқловчи ҳужжатлардан Қаҳрамонлар дафтарчаси (Книжки героев), Қаҳрамонлар ёрлиғи (Грамоты героев), Ордени дафтарчалари (Орденские книжки) ва Медалларга гувоҳномалар (Удостоверения к медалям) тақдим этилган [2, 2].

Ўзбекистон ССР ҳамда бошқа иттифоқдош республикаларда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони”, “Социалистик меҳнат Қаҳрамони” ҳамда 3 даражали “Шон-шуҳрат” ордени билан мукофотланган шахсларга талон, бланка китобчалари тақдим этилиб, бир қатор соҳаларда имтиёзлар яратилган эди. Масалан, темирйўл, сув, ҳаво ёки шаҳарлараро автомобиль транспорти, шунингдек, ички шаҳарлар транспорти ҳамда туманлараро автобус линияларига бепул чипта ва билетлар белгиланган. Ушбу имтиёзлар 5 йил давомида амал қилган [3, 19-20].

## ТАРИХ

СССР давлат мукофотлари билан тақдирланган шахслар ўз мукофотларини айнан, улар эгаллаган касб байрами кунларида тантанавор тарзда қабул қилиб олганлар. Жумладан, кимё саноати ходимлари “Химиклар кунда”, темирйўл транспорти ходимлари “Темирйўлчилар кунда”, қурилиш ташкилотлари ходимлари “Қурувчилар кунда”, савдо “Савдогарлар кунда” мукофотланган[4, 2].

Масалан, СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1948 йил 12 февралдаги Фармони асосида ҳар йили 1 сентябрда кўп йиллик хизмати ва фидокорона меҳнати учун халқ таълими ходимлари, раҳбарлари, ўқитувчиларининг СССР мукофот белгилари билан тақдирланиши йўлга қўйилган. Жумладан, ўзининг узоқ йиллик меҳнати даражасидан келиб чиқиб, қуйидаги тарзда мукофотлаш ишлари амалга оширилган:

10-14 йиллик меҳнат – “Меҳнатда ўрнатилган кўрсатгани учун” медали

15-19 йиллик меҳнат – “Шавкатли меҳнати учун” медали

20-24 йиллик меҳнат – “Ўрнатилган кўрсатгани учун” медали

25-29 йиллик меҳнат – “Меҳнат Қизил Байроғи” ордени

30 ва ундан ошди меҳнат – “Ленин” ордени билан тақдирланган[5, 6-10].

Шунингдек, СССР Олий Совети Президиумининг 1978 йил 23 октябрдаги Фармони мувофиқ Ўзбекистон ССРда 92 нафар соғлиқни сақлаш ва тиббиёт саноати ходимлари СССР давлат мукофот белгилари (“Меҳнат Қизил Байроғи”, “Ўрнатилган кўрсатгани учун” орденилари ҳамда “Меҳнатда ўрнатилган кўрсатгани учун” ва “Шавкатли меҳнати учун” медали) билан тақдирланган[6, 107-110].

Ўшунингдек, СССР Президиумининг 1984 йил 6 июндаги Фармони мувофиқ Ўзбекистон ССРда 300 дан ортиқ қишлоқ хўжалиги етакчилари СССР давлат мукофот белгилари (“Ленин”, “Октябрь революцияси”, “Меҳнат Қизил Байроқ”, “Ўрнатилган кўрсатгани учун”, “Халқлар дўстлиги”, “Меҳнат шўхрати” орденилари ҳамда “Шавкатли меҳнати учун”, “Меҳнатда ўрнатилган кўрсатгани учун” медали) билан тақдирланган[7, 101-115].

Бундай СССР мукофот белгилари билан мукофотлаш республиканинг барча вилоятларида кенг миқёсда, тантанали равишда, уюшқоқлик билан амалга оширилган. Республика вилоятлари орасида Фарғона вилояти мисолида таҳлил

қиладиган бўлса, архивдаги кўплаб статистик маълумотлар орқали мукофотлаш рўйхатларини учратамиз. Масалан, Фарғона вилоятида 1955 йилги пахта ҳосилини териш бўйича социалистик мусобақада яхши натижаларга эришган ва алоҳида намуна кўрсатган теримчиларга Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари топширилган. Масалан, Бувайда - 48, Охунбобоев - 16, Бағдод – 13, Фарғона шаҳар – 3, Киров – 12, Каганович – 2, Қува – 10, Водил – 1, Куйбишев – 4, Тошлоқ – 11, Молотов -19, Ёзёвон – 9, Олтиариқ – 7, Фрунзе туманидан – 27 нафар шахс тақдирланган[8, 2-3].

Шунингдек, ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1960 йил 30 августдаги Фармони билан Фарғона вилояти аҳолисидан 2 нафари “Ленин”, 15 нафари “Меҳнат Қизил Байроғи”, 25 нафари “Ўрнатилган кўрсатгани учун” ордени, 64 нафари “Шавкатли меҳнати учун” медали билан тақдирланган[9, 16].

1965 йил 1 мартдаги Фармони билан 1186 нафар мукофот белгилари Фарғона вилоятига юборилиб, улар ўз эгаларига топширилган. Жумладан, 39 нафар “Ленин”, 136 нафар “Меҳнат Қизил Байроғи”, 295 нафар “Ўрнатилган кўрсатгани учун” медали билан, 384 нафар “Шавкатли меҳнати учун” медали билан, 332 нафар фуқаро “Меҳнатда ўрнатилган кўрсатгани учун” медали билан тақдирланган[10, 6]. Фармонда қуйидаги номда топширилган фахрий унвонлар рўйхати ҳам ўз аксини топган: 43 нафар “Хизмат кўрсатган пахтакор”, 7 нафар “Хизмат кўрсатган агроном”, 3 нафар “Хизмат кўрсатган чорвачи”, 5 нафар “Хизмат кўрсатган ирригатор”, 17 нафар шахс “Хизмат кўрсатган механизатор”, 2 нафар “Хизмат кўрсатган ертўлачи” фахрий унвонига муносиб кўрилган[10, 6].

ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 31 декабрь ва 1967 йил 14 январдаги Фармони билан бир гуруҳ юртдошларимиз СССРнинг қатор давлат мукофот белгиларига эга бўлишган. Жумладан, “Ленин” - 1 нафар, “Меҳнат Қизил Байроғи” – 1 нафар, “Ўрнатилган кўрсатгани учун” ордени билан 3 нафар, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан 2 нафар, “Меҳнатда ўрнатилган кўрсатгани учун” медали билан 5 нафар[11, 17], 1967 йил 13 февралдаги Фармони билан 44 нафар, жумладан, “Ленин” - 2 нафар, “Меҳнат Қизил Байроғи” –

4 нафар, “Хурмат белгиси” ордени билан 14 нафар, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан 11 нафар, “Меҳнатда ўрناق кўрсатгани учун” медали билан 13 нафар[11, 1-3], 1971 йил 12 августдаги Фармонига мувофиқ Фарғона вилоятидан 2741 нафар, жумладан, “Социалистик Меҳнат Қаҳрамони” унвони – 13 нафар, “Ленин” - 99 нафар, “Октябрь Революцияси” – 129 нафар, “Меҳнат Қизил Байроғи” – 704 нафар, “Хурмат белгиси” ордени билан 851 нафар, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан 408 нафар, “Меҳнатда ўрناق кўрсатгани учун” медали билан 550 нафар[4, 1-2], 1972 йил 14 декабрдаги Фармонига мувофиқ “Ленин” - 43 нафар, “Меҳнат Қизил Байроғи” – 447 нафар, “Хурмат белгиси” ордени билан 382 нафар, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан 199 нафар, “Меҳнатда ўрناق кўрсатгани учун” медали билан 212 нафар[12, 1-6], 1976 йил 25 декабрдаги Фармонига мувофиқ 1449 нафар, жумладан, “Ленин” - 34 нафар, “Октябрь Революцияси” – 61 нафар, “Меҳнат Қизил Байроғи” – 217 нафар, “Хурмат белгиси” - 288 нафар, II даражали “Меҳнат шуҳрати” – 11 нафар, “Меҳнат шуҳрати” III даражали – 356 нафар, шунингдек, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан 247 нафар, “Меҳнатда ўрناق кўрсатгани учун” медали билан 245 нафар[13, 285], 1977 йил 30 май ҳамда 1-10 июндаги Фармонига мувофиқ Фарғона вилоятидан 42 нафар, жумладан, “Октябрь Революцияси” – 1 нафар, “Меҳнат Қизил Байроғи” – 8 нафар, “Хурмат белгиси” - 13 нафар, “Меҳнат шуҳрати” III даражали – 8 нафар, шунингдек, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан 7 нафар, “Меҳнатда ўрناق кўрсатгани учун” медали билан 5 нафар[14, 56], 1977 йил 17-30 майдаги Фармонга мувофиқ 140 нафар шахс қишлоқ хўжалиги соҳасидаги хизматлари учун “Ленин” – 2 нафар, “Октябрь Революцияси” – 2 нафар, “Меҳнат Қизил Байроғи” – 29 нафар, “Хурмат белгиси” - 31 нафар, III даражали “Меҳнат шуҳрати” – 24 нафар, шунингдек, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан 26 нафар, “Меҳнатда ўрناق кўрсатгани учун” медали билан 26 нафар[14, 57], 1977 йил 12-18 майдаги Фармонига мувофиқ Фарғона вилоятидан 267 нафар, жумладан, “Ленин” – 1 нафар, “Октябрь Революцияси” – 2 нафар, “Меҳнат Қизил Байроғи” – 45 нафар, “Хурмат белгиси” - 67 нафар, “Меҳнат шуҳрати” III

даражали – 53 нафар, шунингдек, “Шавкатли меҳнати учун” медали билан 51 нафар, “Меҳнатда ўрناق кўрсатгани учун” медали билан 48 нафар фуқаро тақдирланган[14, 58].

Фарғона вилоятида бошқа вилоятлар каби СССР Олий Совети Президиумининг 1974 йил 18 январдаги “Меҳнат фахрийси” медалини таъсис этиш тўғрисида”ги Фармони асосида Фарғона вилоят меҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия комитети томонидан 728 нафар шахс “Меҳнат фахрийси” (Ветеран труда) медали билан ҳам тақдирланган. Жумладан, Фарғона – 104, Қувасой – 232, Маргилон шаҳарларидан – 23, Тошлоқ – 123, Олтиариқ – 83, Қирғули – 100 ҳамда Фарғона туманларидан 63 нафар шахс ушбу медаль билан мукофотланган[15, 1-3]. 1988 йилда эса 1731 нафар шахс ушбу медаль билан тақдирланган[16, 1].

СССР Олий Совети Президиуми 1972 йил 14 декабрдаги Фармони билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, халқ хўжалиги режасини бажаришда ва 1972 йил учун колхоз ва совхозларга 555 минг тонна пахта хом ашёсини сотганлиги, шунингдек, партия ишидаги узоқ йиллик ва самарали меҳнати учун Ўзбекистон Коммунистик партияси Фарғона вилоят комитети биринчи секретари Шамсудинов Фахриддин Шамсудинович “Социалистик меҳнат Қаҳрамони” унвони, “Ленин” ордени ҳамда “Ўроқ ва болға” олтин медали билан мукофотланган[11, 92]. Шунингдек, ушбу мукофотлар билан Х.Арзиқулова, Ф.Артиқова, У.Бекниёзов, Э.Жумаев, Х.Ишонов, Н.Комаров, М.Марахимов, Қ.Мирзаев, У.Нуруллаев, А.Рахмонов, С.Сидиқов, С.Таиров, З.Ташева, А.Худайбергановлар ҳам тақдирланганлар[11, 94-95]. 1967 йилда Меҳнаткашлар депутатлари Совети Фарғона вилоят ижроия комитети Қарори билан 54 нафар шахс одамлар ҳаётини сақлаб қолишда, сурункали сувсизлик даврида жасорат ва мардлик кўрсатганлиги учун “Чўкаётганларни қутқарганлик учун” медали билан тақдирланган[3, 1-3].

Совет йилларида давлат мукофот белгилари шаҳар ва туманларга ҳам тақдим этилган. Масалан, 1967 йил Фарғона вилояти Поп туманидаги Ленин номли колхозга Ленин орденини топшириш маросими бўлиб ўтган. Ленин ордени ўша

## ТАРИХ

кезларда коммунизм ғалабаси сари интилишлар учун энг илҳомбахш тимсол эканлиги, шунингдек, партия раҳнамосидаги янги ғалабаларга чорловчи машъал эканлиги совет давлати тизимига сидқидилдан хизмат қилган ва ишонган шахс ва ташкилотлар томонидан олқишланган[3, 50].

Совет давлати ҳукмронлик қилган йилларда мукофотлаш тизимига жиддий эътибор қаратилганки, кичик соҳа вакиллари ҳам тақдирлаш кенг тарқалган. Масалан, 1971 йил 22 май ойида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан қуёнчилик соҳаси, хусусан қуён гўшти ва терисини ишлаб чиқариш ҳамда бу соҳани ривожлантиришга хисса қўшган бир қатор фарғоналиклар – М.Ибрагимова, У.Иминова, А.Маҳмудов, С.Мирзаев, Н.Михайлов, И.Сарманов, Б.Эсонмирзаевлар Фахрий ёрликлар билан тақдирланган[17, 157].

Иккинчи жаҳон урушида қўлга киритилган ғалабадан сўнг ҳар 10, 20, 30, 40 йилликларни эслаш ҳамда нишонлаш аънанаси совет давлати, жумладан, Ўзбекистон ССРда ҳам кенг ёйилган эди. Шу муносабат билан СССР Олий Совети томонидан ЎзССР вилоятларининг барчасига буюк ғалаба шарафига таъсис этилган юбилей, эсдалик, хотира медаллари топширилиб турилган.

Масалан, ЎзССР Олий Совети Президиумига юклатилган вазифа асосида 1965 йилда Фарғона вилоятига “1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 20 йиллиги” номли медалдан 400 дона жўнатилган. Ушбу медал билан собиқ партизанлар, шунингдек, “1941-1945 йилларда Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” медалини олганлар ҳамда СССР Ҳарбий Кучлари сафларида хизмат қилган ва қилмаган бир қатор бошқа шахслар мукофотланган[11,37-38]. Шунингдек, 1965 йилда Марғилондан 53 нафар[11, 39], Қувасойдан 700 нафар[11, 40], Киров 1800 нафар[11,41], Ленинград 2269 нафа[11,42], Ўзбекистон туманларидан 1901 нафар [11,43] фуқарога “1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 20 йиллиги” медалини топшириш кераклиги тўғрисидаги таклиф ва рўйхат ЎзССР Олий Советига юборилганлиги архив ҳужжатларида сақланиб қолган. Архив маълумотларининг таҳлили натижасида қайд этиб ўтиш лозимки, биргина 1967 йилда Фарғона вилоятига “1941-1945 йиллар Улуғ

Ватан урушидаги ғалабанинг 20 йиллиги” номли медалдан 900 дона жўнатилган. Шулардан 780 таси ўз эгаларига тақдим этилиб, қолганлари мукофот омборида сақланган[11, 24].

1975-1977 йилларда “1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 30 йиллиги”га бағишланган хотира медали билан Фарғона вилояти аҳолисидан 1292 нафар шахс тақдирланган. Медалда “Меҳнат fronti қатнашчиси” деб номланган ёзув акс этган[18, 1]. Ушбу медалнинг катта қисми Қўқон шахрига юборилиб, тақдирланган шахарликлар 801 нафарни ташкил этган[18, 179].

1985-1987 йилларда “1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 40 йиллиги”га бағишланган хотира медали таъсис этилиб[19, 1], ушбу медал Улуғ Ватан урушида СССР Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилган ҳарбийлар ва партизанлар, қуруқликдаги аскарлар, “1941-1945 йилларда Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” ҳамда “Япония устидан қозонилган ғалаба учун” номли медаллар билан, шунингдек, улуғ Ватан уруши йилларида СССР орденлари ҳамда “1941-1945 йиллардаги улуғ Ватан урушида шавкатли меҳнати учун”, шахарларни ҳимоя қилишда қўлга киритилган медаллар билан тақдирланган фронт ва фронторти меҳнаткашларига тақдим этилган[20,132]. Тақдим этилган медалларда “Уруш қатнашчиси” ёки “Меҳнат fronti қатнашчиси”, деган ёзувлар бўлган. Архив маълумотларига кўра, 1986 йилда Фарғона вилоятига ушбу медалдан жами 870 дона сўралган, шулардан 70 таси қайд этилган аҳоли вакилларига топширилган[20, 114-120].

Шунингдек, иттифоқдош республикалар каби ЎзССРнинг барча ҳудудларига “1941-1945 йилларда Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун” номли медали ва бошқа мукофот белгилари тақдим этилган[11, 27]. Масалан, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага ўз ҳиссасини қўшган ва мардонавор меҳнат қилган аҳолига “1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида шавкатли меҳнати учун” (За доблестный труд в Великой Отечественной войне 1941-1945 гг.) номли медал ҳам тақдим этилган. ЎзССР Олий Совети Президиуми раиси



А.Мўминовнинг 1946 йил Фарғона вилоят Меҳнаткашлар депутатлари Совети ижроия комитети раиси Б.Усмонхўжаевга йўллаган хатида "...мукофотланувчиларга бу медалларни ўз вақтида топшириш катта сиёсий аҳамиятга эга бўлганлиги учун уларни тегишлича ўз эгаларига тўхтовсиз топширишни ташкил қилишингиз лозим"[21, 5] деб баён этганлиги мукофотлаш тадбирларига бўлган жиддий эътиборни англатар эди. Биргина 1945 йилда Фарғона шаҳридан 1000 дан ортиқ, Қўқондан 300 дан ортиқ аҳоли вакиллари ушбу медал билан мукофотланиш бахтини туйишга муяссар бўлган[22, 1-5]. 1946 йил 20 декабрь ҳолатига кўра, Фарғона вилояти учун ушбу медалдан умумий ҳисобда 108172 дона қабул қилиниб, шулардан 41113 таси эгаларига тақдим этилган[23, 1-2]. 1947 йил 1 апрель ҳолатига кўра 65907 таси ўз эгаларига топширилган[24, 1].

Ўзбекистон ССР ҳудудида давлат мукофотлари билан тақдирланган ҳар бир шахснинг ҳаёт йўли ва меҳнат фаолияти ҳамда тақдирланиш жараёни радио ва телевидение, шунингдек, республикада мавжуд матбуот нашрлари, газеталар (Фарғона вилоятида "Фарғона ҳақиқати" (аввалги номи "Коммуна")[4,2] да кенг ёритиб борилган.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумининг 1986 йил 16 сентябрда "Давлат мукофотларини топшириш тўғрисидаги материалларни нашр этиш тартиби тўғрисида"ги Қарори эълон қилинган[20, 24-25]. Унга кўра, СССР Олий Совети Президиуми номидан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг "Жамоат тартибини сақлаш бўйича алоҳида хизматлари учун", "Чўкаётганларни қутқаргани учун", "Ёнғиндаги жасорати учун" ва кўп болали оналарни "Оналик шўхрати" ва "Оналик медали" медаллари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонлари, шунингдек, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг корхоналар, уюшмалар, муассасалар, ташкилотлар, совхозлар, колхозлар, ижодий жамоалар, ҳарбий қисмлар (қисмлар, бирлашмалар, уюшмалар ва ҳарбий-ўқув муассасалар), вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар, овуллар, алоҳида шахслар ёки ишчилар гуруҳини Ўзбекистон ССР Олий Совети

Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонлари ва Ўзбекистон ССР фуқароларига ҳамда ижодий жамоаларга фахрий унвонларни тайинлаш тўғрисидаги Фармонлар "Ўзбекистон ССР Олий Совети ахборотномаси"да ҳамда республика газеталарида нашр этилиши белгиланган. ("Ведомости Верховного Совета Узбекской ССР").

Кўп болали оналарни "Оналик шўхрати" (тақдирланганлар рўйхати кўринишида) ва "Оналик медали" медаллари (йилма йил кўринишида) билан тақдирлаш тўғрисидаги хабарлар шаҳар ва туман газеталарида "Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида", "Мукофотлар" сарлавҳалари остида нашр этилиши белгиланган.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Ўзбекистон ССР фахрий унвонларини тайинлаш тўғрисидаги ва алоҳида фуқаролар ёки ишчилар гуруҳларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирлаш тўғрисидаги Фармонлари республика газеталарида одатда хроника ёки тақдирланганлар рўйхати кўринишида нашр этилган.

Фуқароларни "Меҳнат фахрийси" медали билан тақдирлаш тўғрисидаги хабарлар маҳаллий нашрларда қисқача хроника кўринишида нашр этилиб, Фармонлар тўлиқ ҳолда тақдирланганлар ишлайдиган меҳнат жамоаларида эълон қилинган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўришиб турибдики, тадқиқот олиб борилган мавзу доирасида кўплаб ечилмаган мунозарали саволларга жавоблар топилди. Жумладан, архив маълумотлари орқали янги, ҳали илмий муомалага киритилмаган тарихий, статистик маълумотлар аниқланди. Совет даврида таъсис этилган мукофотларнинг Ўзбекистон ССР ҳудудларига, жумладан, Фарғона вилоятига ҳам татбиқ этилганлиги, водий аҳолисининг кўп қисми турли мукофотлар билан тақдирланганлиги далилланди. Шунингдек, Совет давлати мукофот белгиларининг Фарғона вилоятига татбиқ этилиш ҳолати ва тақдири хронологик жиҳатдан ўрганилди. Қўлга киритилган бир қатор ютуқлар асосида бир қатор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳимлиги аниқланди. Жумладан:

## ТАРИХ

- Фарғона вилоят Давлат архивида “Ўзбекистон ССР ҳамда Фарғона вилояти худуди кесимида мукофотлаш тизими” номли махсус фондни жамлаш;

- Фарғонадаги мавжуд йирик музейларда алоҳида Фарғона вилояти

аҳолиси қўлга киритган мукофотларга бағишланган бўлимни очиш;

- Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистон ССРда мукофотлаш тизимини тўлиқроқ ўрганиш ва тарихий тадқиқ этиш ишларини ривожлантириш (вилоятлар кесимида ўрганиш асосида).

## Адабиётлар:

1. Конституция (Основной Закон) (Союза Советских Социалистических Республик) принята на внеочередной седьмой сессии Верховного СОВЕТА СССР девятого созыва 7 октября 1977 г. – М., 1977.
2. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 2. Йиғ. Жилд - 868.
3. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 8.
4. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 19.
5. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 2. Йиғ. Жилд – 563.
6. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 89.
7. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 233.
8. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 7. Йиғ. Жилд – 701.
9. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 1.
10. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 3.
11. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 6.
12. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 17.
13. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 61.
14. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 62.
15. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 241.
16. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 15. Йиғ. Жилд – 332.
17. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 11.
18. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 38..
19. Фарғона вилояти Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 14. Йиғ. Жилд – 295.
20. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 15. Йиғ. Жилд – 135.
21. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 2. Йиғ. Жилд – 133.
22. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 2. Йиғ. Жилд – 77.
23. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 2. Йиғ. Жилд – 136.
24. Фарғона вилоят Давлат архиви. Фонд – 1124. Рўйхат – 2. Йиғ. Жилд – 212.

(Тақризчи: Б.Усманов – тарих фанлари доктори)